

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QUROLLI KUCHLARI AKADEMIYASI
TILLAR KAFEDRASI**



**O‘ZBEK TILINING TARIXIY SHAKLLANISHI VA
RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI**

Respublika ilmiy - nazariy (online) konferensiya materiyallari

**TOSHKENT,
20 oktabr 2020 yil**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QUOLLI KUCHLARI AKADEMIYASI
TILLAR KAFEDRASI**

**O‘ZBEK TILINING TARIXIY SHAKLLANISHI VA
RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI**
mavzusidagi Respublika ilmiy - nazariy (online) konferensiya
materiyallari


**ИСТОРИЧЕСКОЕ СТАНОВЛЕНИЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И
ПЕРСПЕКТИВЫ ЕГО РАЗВИТИЯ**

материалы
Республиканской научно - теоретической (online) конференции

**THE HISTORY OF THE UZBEK LANGUAGE FORMATION
AND ITS DEVELOPMENT PERSPECTIVES**

materials
of the Republican scientific – theoretical (online) conference

Toshkent -2020



MUNDARIJA

<i>Kirish soʻzi</i>	3
<i>Абдуллаева С. Я.</i> Тилга эътибор – элга эътибор.....	4
<i>Asilova G.A.</i> Harbiy taʼlim muassasalarida davlat tilida ish yuritish malakalarini rivojlantirish	6
<i>Sodiqova Sh.B.</i> Xorijliklarga oʻzbek tilini oʻrgatish orqali milliy madaniyatni tanitish	8
<i>Салишева З.И.</i> Respublikamizda va xorijiy mamlakatlarda oʻzbek tilini oʻqitish masalsari:yutuqlar va istiqboldagi vazifalar.....	11
<i>Асқарова Ш.К.</i> Навоий асарларида такрорнинг лингвопоэтик аҳамияти.....	16
<i>Атаев Ш.А.</i> Ўзбек тилининг тарихий шаклланишида бадий адабиётнинг ўрнига доир	20
<i>Холиқова Д.</i> Тил – миллат тафаккурининг инъикоси.....	22
<i>Vaxronova D., Sarimsakova N.</i> Oʻzbek tili – oʻzbek millatining ruhi.....	26
<i>Ертаев Ш. И.</i> Тил миллат равнақи.....	31
<i>Якубова Ф.</i> Тил – давлат рамзи	33
<i>Shodiyev R.S.</i> oʻzbek tilshunosligida nutq madaniyatining oʻziga xosligi... ..	36
<i>Boymirzayeva M. Sh.</i> Til – millatning qiyofasi	38
<i>Джурраев Ш.Т.</i> Ўзбек тили ва унинг тараққиёт босқичлари	41
<i>Хожиева Ш.</i> Тил - миллат кўзгусидир.....	42
<i>Муродиллаева М.У.</i> Она тилим ўлмайди ёхуд боқийсан, ифтихоримсан, она тилим!.....	45
<i>Муродиллаева М.У.</i> «Муҳокамат ул-луғатайн»нинг хорижий элларда ўрганилиши.....	49
<i>Юсупова Н.З.</i> Ўзбек адабий тилининг шаклланишида Навоийнинг тутган ўрни.....	52
<i>Ражабова О.Н.</i> Тил бирликлари ўртасидаги боғлиқликлар.....	58
<i>Имамова Ш.П.</i> Тил миллат ғурури.....	60
<i>Majidova M. S.</i> Til tafakkur omili.....	63
<i>Рахманова М.У.</i> Язык – наше богатство.....	66
<i>Ergashova F.Yu., Ashurov L.</i> oʻzbek tilining shakllanishi va rivojlanishi... ..	69
<i>Қаршиева М.Х., Рахимов Б. Э.</i> Тил ҳар бир миллат маданиятининг ўзагидир.....	72
<i>Xudaynazarova M. B.</i> Til-millat maʼnaviyati.....	77
<i>Гаппарова Н.А.</i> Ўзбек адабий тилининг ривожланиш тарихидан.....	78
<i>Тўраева Н. Н.</i> Она тили- Миллат руҳидир.....	81
<i>Бекнўлатов Х.Б, Мирпаязова С.З.</i> Тил - миллат бойлиги.....	85

<i>Курбанова С. А.</i> Тил миллат кўзгуси.....	88
<i>Эгамназарова З. К, Тухтасинова Р.Г.</i> Навои: мудрость слова и речи.....	91
<i>Пернопасова Е.А., Юсупова Н.Т.</i> Алишер Навои – художник узбекского слова.....	93
<i>Tashmetova A. S.</i> O‘zbek tilim- davlat tili, millatim faxri-g‘ururi.....	96
<i>Nuriddinova D.</i> Uzbek language history.....	98
<i>Абдуллаева Г.Б.</i> Великое наследие деятелей науки и культуры Средней Азии.....	101
<i>Соляхова Л.Р.</i> Узбекский язык как один из распространённых языков в мире.....	104
<i>Шомурадова Д.А.</i> Давлат тили ҳақидаги қонун ва унинг аҳамияти.....	106
<i>Халмуратова Д. Б.</i> Исторические особенности развития современного узбекского языка.....	108
<i>Отамуродова Д. Р.</i> Француз тилида сўз маъноларининг ўзгариши ва уларнинг қўлланилиши хусусида.....	111
<i>Қодирова И.</i> Мактабларда ўзбек тилини ўқитишда нутқ маданиятини ривожлантириш.....	114
<i>Икромов Ш.Э.</i> Ўзбек тили дарсларида ўқиш техникаси.....	116
<i>Эргашева Р. Т.</i> Авиация соҳасига оид атамаларнинг изоҳли луғатида терминлар маъноларини изоҳлаш масаласи.....	121
<i>Бобокалонов Р. Р.</i> Тилсиз миллат - сувсиз дарё	124
<i>Сайфуллаева Р. Р., Бобокалонов П.Р.</i> Тил, тафаккур ва мия нейронларининг электромагнит қуввати.....	127
<i>Бобокалонов П. Р., Фармонова П.</i> Тилни унутиш — ўзликни унутиш... ..	132
<i>Бобокалонов Р. Р., Ҳаятова., Бобокалонов П. Р.</i> Новербал мулоқот воситаларининг психонейролингвистик ва лингвокултрологик талқини.....	135
<i>Рахманов С.Х.</i> Нутқий маҳоратни ошириш усуллари.....	144
<i>Бабарахимова А.-М.Х.</i> Использование материалов сми в формировании межкультурной компетенции курсантов на занятиях по русскому языку.....	147
<i>Karimova M.</i> Umumta’lim maktablarida ona tilini o‘qitish muammolari....	151
<i>Сулейманова Н. К.</i> Медиаграмотность как цель и результат медиаобразования.....	153
<i>Matatkulova B. R.</i> Cognitive approach to study of anthroponyms.....	155
<i>Paizbekov T.Q., Paizbekova A. Dj.</i> Implementation of the State Educational Standards of Uzbekistan for military teaching practice.....	159
<i>Иргашев. Д. Р.</i> Обучения курсантов иностранным языкам на платформе “Moodle”.....	162

<i>Алибаева У.А.</i> Ҳарбий хизматчилар фаолиятида чет тилининг аҳамияти, уни ўрганишдаги муаммолар ва ечимлар.....	165
<i>Жуманазарова Ф. Р.</i> Диалектизмы как основа определения географии возникновения пословиц	170
<i>Муминджанова С.Х.</i> Нетрадиционные уроки как средство обучения...	172
<i>Бектурдиева Ш.</i> Ҳарбий олий ўқув юртларида чет тили машғулотларида ҳарбий матнлар устида ишлаш	175
<i>Ахипова М..N.</i> O'qituvchining jamiyat taraqqiyotidagi tutgan o'rni.....	179
<i>Маъдиева А. Д.</i> Ҳессе ижодида маънавий юксалиш омиллари.....	181
<i>Маматқобилов Т.Д., Бурханов Т.М.</i> Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар фаолиятининг уйғунлиги.....	184
<i>Курганова Р.Н.</i> Сотворчество как фактор влияния на эффективность учебного процесса.....	188
<i>Эшонқулов Н.Э.</i> Таълим жараёнида мобил технологиялардан фойдаланиш.....	191
<i>Рузикулов Ф. С.</i> Замонавий ва келажакдаги маҳаллий уруш ва жанговар ҳаракатларда муҳандислик таъминотининг ўзига хос хусусиятлари.....	194
<i>Мамажанов И.Р., Шерматов М.С.</i> Ахборот техник хавфсизликни таъминлаш.....	199
<i>Абдурахимов Р. Ф.</i> Замонавий кибер таҳдидлар даврида ахборот-психологик хавфсизлигининг долзарблиги.....	201
<i>Atadjanov N. SH.</i> Amerika qo'shma shtatlari harbiy xizmatchilarining rahbarlik fazilatlarini o'ziga xos xususiyatlari.....	205
<i>Акбаров К.М., Ботиров З. А.</i> Дунёнинг ривожланган давлатлари миллий гвардия бўлинмалари қўлланилишининг ўзига хослиги.....	208
<i>Мирзалиев А.А.</i> Ахлоқий-руҳий тайёргарлик ҳарбий хизматчиларда жанговар руҳни шакллантирувчи асосий компонент.....	211
<i>Musinov A.A.</i> Milliy gvardiya harbiy xizmatchilarida axborot xurujlariga qarshi immunitetni shakllantirishni takomillashtirish.....	215
<i>Мамутов Ж.Р.</i> НАТО Мамлакатлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий ва руҳий тайёргарлигини ташкил этишининг янги тенденциялари.....	220
<i>Умаров Ш.У.</i> Ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик фазилатларини оширишда ахлоқий кадриятларнинг роли.....	224
<i>Ҳаджиев С. Н.</i> Учувчисиз учиш аппаратларининг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи.....	227

<i>Муродиллаева М.У., Эшовов Ж.Қ., Йўлдошев Д.И.</i> Онам алласидай суюксан тилим, абадул-абад буюксан тилим!.....	231
<i>Абдувалиева М.А.</i> Тил ва маънавиятининг бугунги кундаги аҳамияти.	234
<i>Муртазаева А.Б.</i> Чет тили ўқитиш методикасининг она тили фани билан алоқаси.....	236

бурчимиздир. Тарбиячи тарбияланувчини тўғри йўлга соладиган сеҳрли сўз топа билиши керак. Ўзбек тилимиз бундай сеҳрли сўзлардан жуда бой. Зеро, тил маънавият калитидир. Тил, бу маънавиятимитз ойинасидир. Зеро, маънавият жамият ва давлат маъмурий бошқарувини юксак босқичга кўтариш учун хизмат қиладиган ижтимоий ҳодиса, кенг маънода ижтимоий-сиёсий тизим ва моддий соҳаларни мувозанатда сақлайдиган куч-қудратдир. Инсоннинг юксалишини тил ва маънавият белгилаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Раҳмонов Ваҳоб. Тил - руҳимиз таржимони //“Ёшлик” журнали, №10. Т., 2014 йил,
2. <https://uforum.uz/archive>. БИЗНИНГ ТИЛ. Иброҳим Ғафуров (мурожаат санаси 8.10. 2020 й)

НОВЕРБАЛ МУЛОҚОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ПСИХОНЕЙРОЛИНГВИСТИК ВА ЛИНГВОКУЛТРОЛОГИК ТАЛҚИНИ

Бобокалонов Р.Р.,
БухДУ доценти, ф.ф.н.
Ҳаятова Н.И ва **Бобокалонов П.Р.**
илмий изланувчилар.

***Аннотация.** Ушбу мақолада ўзбек тилида но-вербал мулоқот воситаларининг психонейролингвистик ва лингвокултрологик хусусиятлари билан боғлиқ назарий масалалар бўйича илмий мушоҳада юритилган ҳамда шу йўналишларда амалга оширилган илмий тадқиқотларга муносабат билдирилган.*

***Калит сўзлар:** психо-нейролингвистика, вербал мулоқот, но-вербал мулоқот, кинесика, мимика, гавданинг туриш ҳолати, визуал контакт (қараш), контакт частотаси, проксалика ва экстралингвистика, интонация, овоз, пауза, нафас чиқариш, йиғи, йўтал, тембр, кулгу, такесика, қўл сиқилиш, қарсак чалиш, ўпиш, проксемика, ҳиссий ҳолатлар; оғизнинг ҳолати. дудоқлар ҳолати; кўз шакли, кўз ёрқинлиги, қошининг ҳолати, пешона ҳолати, юз ҳолати.*

Мулоқот одамлар ўртасида ўзаро ахборот алмашишнинг ижтимоий-психологик жараёни бўлиб, икки асосий восита – вербал ва новербал (лат. verbalis - оғзаки ва nonverbalis оғзаки бўлмаган) нутқий таъсир усуллари орқали амалга оширилади. Мулоқот жараёнида бу омиллар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Демак, бунда ахборот инсонларга оғзаки (вербал тарзда) ёки оғзаки бўлмаган (новербал) шаклда узатилиши назарда тутилади. Ва ҳар иккала мулоқот воситалари бир хил муҳим аҳамият касб этади[1; 6,238; 8,246; 10,189]. Бу ҳолатлар ўзбек лингвомаданиятшунослиги ва психонейролингвистиги йўналишида чуқур тадқиқ этилмаган.

Новербал мулоқот маълумотлар узатишнинг ўзига хос воситаси ҳисобланади. Новербал воситалар нутқ жараёнида ҳамроҳлик қилиши, нутқни тўлдириши ва баъзи ҳолларда маълумот тингловчига "сўзсиз тушунарли" бўлиши мумкин.

Психонейролингвистикада уч асосий жиҳатга аҳамият берилади: 1) *рухий тайёргарлик*, 2) *миянинг ишлаши ва* 3) *тил билиш қобилияти* [3,247; 8,246]. Одамларнинг ҳиссиётлари, муносабатлари вербал мулоқот ёрдамида жонлантирилади. Ахборот (маълумотлар) мантиқан кўрсатмали, тўғри ва аниқ, баъзан ноаниқ узатилади. Фикр-алмашинуви мақсадлари вербал ва новербал тарзда параллел ёки алоҳида амалга оширилади. Мулоқот орқали сўзловчи нафақат маълумот етказди, балки хабарни таҳлил ва синтез қилади, муаммони ҳал қилишдаги қийинчиликлар тўғрисида фикр алмашади, шикоят қилади, талаб қўяди, савол беради, жавоб излайди ва ҳ-зо.

Вербал ва новербал мулоқотнинг биргаликдаги жараёнида қуйидаги коммуникатив бирликлар ишлатилиши кузатилади:

Рухий ҳолат	Коммуникатив-каноник ҳосилалар, лексик бирлик ва иборалар		
	Ўзбекча	Французча	Русча
Олкиш, табрик	Офарин! Қойил! Яшанг. Бўш келманг. Олға! Марра сизники. Табрик. Мен сизни табриклайман. Бахтли бўл! Самимий табриклар! Туғилган кунингиз билан. Сиз жуда илтифотли. Мен сизга бахт тилайман. Сен мафтункорсан. Сен ёқимтойсан.	Bravo! Vous êtes si belle! Tu es charmant. Toutes nos félicitations. Vous êtes très gentil (poli). Bon anniversaire! Je te souhaite du bonheur! Rapidement. Un tout petit peu plus. Vers l'avant. Meilleurs vœux! Soyez heureux!	Перевосходно! Браво! Ты такая красивая! Ты очаровательный. Вы очень милы (вежливы) Ты такая красивая! Поздравляю. Желаю тебе счастья! Будь счастлив! С Днем рожденья! Ещё давай. побыстрее. Ещё чуть-чуть. С наилучшими пожеланиями! Вперёд.
Ачиниш Узр сўраш	Афсус! Минг афсус! Атанг. Аянчли. Ачинарли. Сиздан узр сўрайман. Мени авф этинг. Мен афсусдаман. Афсус, келолмайман. Узр. Кечирасиз. Узр, кетишим керак. Минг узр. Минг марта узр. Ой, кечирасан, мен сенга ёмон иш қилдим.	Dommage! C'est affreux! C'est dommage! Je vous demande pardon! C'est une blessure! Pardonnez-moi, excusez-moi! Cela me blesse. Pardon. Pardon, je dois partir. Mille excuses! Mille fois pardon! Oh, pardon, je t'ai fait mal.	Жаль! Это ужасно! Это травма! Это вредит мне. Прошу прощения! Жаль, что я не могу приехать. Простите меня, извините! Сожалею. Извини, я должен идти. Тысяча отговорок! Ой, извини, я причинил тебе боль. Прошу прощения!
Кўнгиш сўраш	Яхшимисиз? Аҳволингиз дурустми? Бу муҳим эмас. Сизга ҳеч нарса қилмадимми? Ҳеч қисса йўқ. Бардам бўлинг. Рози бўлинг Бунга эътибор	Vous allez bien? tout va bien? Pas de peine. Tenez bien! Calmez-vous! Soyez courageux! Ce n'est de rien! Soyez d'accord!	Ты в порядке? все хорошо? Нет боли. Оставайтесь на линии! Успокойся! Быть храбрым! Это важно. Не важно.

	берманг. Хафа бўлманг. Ўйлашга арзимаиди. Қадингизни букманг. Руҳингизни тушурманг.	Ne faites pas attention à cela! C'est important. Ce n'est pas important.	Ничего! Согласен! Не обращайтесь на это внимания!
Таклиф	Келинг! Келинг бу ерга! Кетдик! Марҳамат. Тўрга ўтинг. Ўқинг, марҳамат. Сафо келтирдингиз. Ёқимли иштаҳа. Ўтиринг, марҳамат. Марҳамат, ўтир. Мана жойингиз. Хуш келибсиз. Вақтида келдингиз. Бу жуда зўр! Марҳамат қилинг. Қадамларига ҳасанот.	Venez! Venez ici! Allons-y S'il vous (te) plaît. Asseyez-vous, s'il vout plaît! Lisez, s.v.p. Prenez votre place, s'il vous plaît. Voici, c'est votre place, s.v.p. Soyez bienvenu (-e, -s, -es). Ça serait sympa! Bon appétit! Humm, c'est bon !	Приходить! Иди сюда! Пойдем, пожалуйста. Садитесь, пожалуйста! Пожалуйста, читайте. Садитесь, пожалуйста. Вот твое место, пожалуйста. Добро пожаловать. Это было бы чудесно! Приятного аппетита! Хм, это хорошо!
Тасдик	Ҳа. Ҳа, раҳмат. Ҳа, шундай. Хўп! Бўлди, тамом. Бўлди, майли! Мен розиман. Яхши. Ҳаммаси яхши. Бу яхши-ку! Албатта шундай. Раҳмат, шундай. Айнан шундай. Худди шундай! Бу менга барибир. Юриб кетди! Ҳа, жоним билан! Хўп дейман. Ҳа, биламан. Буни ёқтираман.	Oui. Oui, merci. Bon. D'accord. Bon, d'accord. Je suis d'accord. Tout est bon. C'est bon ça. Exactement. Oui, c'est ça! Merci, oui-oui! Oui, je sais! Bien sûr. Ça m'est égal. Ça suffit! Ça marche! Oui, avec plaisir! Je dis oui. Je suis pour! J'adore ça	Да. Да, спасибо. Хорошо. Ладно. Я согласен. Все хорошо. Это хорошо. Именно. Да это оно! Спасибо, да- да! Да, я знаю! Конечно, мне все равно. Достаточно! Оно работает! Да, с удовольствием! Я говорю да. Я за! Я люблю это
Таажжуб, ҳайрат	Бу менга қизиқ! Бу мени қизиқтиради! Шундайми? Қандай сюрприз. Вой-бў! Таажжуб. Ҳайратдаман.	C'est vrai? Incroyable! Quelle surprise? Ça m'intéresse! Ça m'étonne toujours! Ça m'inquiète! Oh là là! Cela me plaira!	Это правда? Мне это интересно! О, Боже! Это меня удивляет! Какой сюрприз? Удивительно!
Миннатдо р- лик, мамнунли к	Раҳмат. Ташаккур. Ташаккур билдираман! Арзимаиди. Катта раҳмат. Соғ бўлинг. Омон бўлинг. Миннатдорман. Ажойиб совға. Ёрдамнингиз учун раҳмат. Мен бундай хурсандман. Сизга ҳам раҳмат. Танишганимдан хурсандман. Борингизга шукр келганингиздан хурсандмиз. Биз жуда хурсандмиз. Сиз борсиз, кўнгил хотиржам.	Merci. Pas de quoi. De rien. Grand merci. Je vous remercie. Tu m'as fait une bonne surprise. J'en suis content (e). Merci à vous aussi. Ça m'a fait du bien de venir. Merci pour votre aide. Nous sommes très ravis de votre arrivée. Nous sommes enchantés (ravis, contents). Je suis ravi (e) de votre surprise. Je voudrais	Спасибо. Пожалуйста. Пожалуйста. Большое спасибо. Спасибо. Вы сделали мне хороший сюрприз. Я рада этому. И тебе спасибо. Мне было приятно приехать. Спасибо за вашу помощь. Мы очень рады вашему приезду. Мы в

	Хайриятки, сиз борсиз. Кўришдан хурсандман. Сизга сюрприз қилмоқчи эдим. Мен (жуда) хурсандман. Қандай омад! Мамнунман. Сиз билан учрашганим айни муддао бўлди. Омадим келди. Учрашганимдан (жуда) хурсандман.	vous faire une surprise. Je suis content. Je suis très ravi. Je suis enchanté. Je suis très content de faire votre connaissance. Je suis très ravi de votre rencontre. C'était un grand plaisir de vous rencontrer. J'ai de la chance. Quelle chance !	восторге. Я очень рад твоему удивлению. Хочу вас удивить. Я счастлив. Я очень счастлив. Я восхищен. Я очень счастлив встретить тебя. Было очень приятно познакомиться с вами. Я счастливчик. Какая удача! Какая радость!
Кўришиш	Салом. Қандоксиз? Қандок юрибсиз? Яхши юрибсизми? Дурустми? Яхшимисиз? Тузукмисиз? Раҳмат, яхшиман. Хайрли кун. Хайрли тун. Аҳвол қандай? Аҳволингиз яхшими? Аҳвол яхши. Раҳмат! Сизчи/сенчи? Менинг кизғин саломларим! Сенинг мазанг бўлмаятими? Сенинг тобинг йўқми? Ўзимни ёмон ҳис қиляпман. Мен шамоллаб колдим. Мен грипп билан оғриндим.	Bonjour. Comment allez-vous? Ça va? Comment ça va? Comment vous portez-vous? Ça va bien? Bonsoir. Salut, comment ça va? Merci, je vais bien. Bonne journée! Bonne nuit. Ça va, merci! Merci! Et vous/toi? Ça y est! Salut! Mes saluts. Comment? Etes-vous bien? Je ne me porte pas bien. Es-tu malade? Je me sens mal. J'ai attrapé le rhume. J'ai la grippe.	Привет. Как вы? Все нормально? Как дела? Как вы? Дела идут хорошо? Добрый вечер. Привет, как ты? Я в порядке. Спасибо тебе. Хорошего дня! А, это ты/вы? Спасибо! Как? С тобой все в порядке? Это оно. Спокойной ночи. Здравствуйте! Мои поздравления. Я не в порядке. Я плохо себя чувствую. Ты болен? Я болен? Я простудился. Я болею гриппом.
Хайрлаш иш	Хайр! Омон бўл. Омон бўлинг. Яхши қолинг! Эртагача! Индингача. Кўришамиз. Кўришгунча. Алвидо! Алвидо, дўстим! Бир пасдан кейин! Кўнғироғингни кутаман. Кўнғироқ қилиб туринг.	Au revoir! A bientôt! Adieu! Adieu, mon ami! A tout à l'heure! Bien à Vous! A demain! A l'endemain! On verra! Téléphonez-moi ! Toujours à l'appareil !	До свидания! До скорого! Прощальный привет! Прощай, мой друг! До скорого! С уважением! Увидимся завтра! Увидимся завтра! Посмотрим! Жду твой звонок.
Диққат, эътибор	Диққат! Ташвишланма. Ҳаммаси яхши. Чиқишда эҳтиёт бўлинг ! Эслаяпман. Ҳа, эсладим. Ўзингни асра! Эслолмаяпман.	Attention! Attention à la sortie! Ne t'inquiète pas! Tout va bien. Je ne me rappelle pas. Garde toi-même ! Je me rappelle. Ah oui, je me rappelle.	Предупреждение! Не волнуйтесь! Все хорошо. Я помню. Я не помню. Берегись выхода! Ах да, я помню. Береги себя!

Инкор	Йўқ. Умуман йўқ Йўқ, раҳмат. Ҳеч нарса. Ҳеч нарса қилолмайман. Ҳеч нарсани англамадим. Бу сабаб эмас. Бошқа сафар Ҳаммаси бекор. Нега бундай қилиб қўйдинг? Йўқ, қўлимдан келмайди.. Хавотирга ўрин йўқ. Вой, мен ёқтирмайман. Бўлди, етар. Бу яхши бўлади. Розимасман. Йўқ дегин!	Non. Non, merci. Non plus. Ne... rien. Tu ne fais rien. Tout est pour rien! Ça ne me dit rien. Non, je ne peux pas. Une autre fois. Ce n'est pas la peine Pourquoi tu as fait ça? Beurk, je n'aime pas. C'est assez. Non, je ne suis pas d'accord. - Dis, non.	Нет. Нет, спасибо. Нет, ничего. Больше не надо. Вы ничего не делаете. Все зря! В колокольчик не звонит. Нет, я не могу. Очередной раз. Вы не обязаны. Почему вы это сделали? Фу, мне это не нравится. Достаточно. Нет, я не согласен. - Скажи "нет".
-------	--	--	--

Коммуникатив-каноник нутқий ҳосилаларга новербал воситалар у ёки бу даражада ҳамроҳлик қилишини аниқлаш алоҳида мавзу бўлганлиги сабабли юқоридаги мисоллар билан чекланамиз. Аксарият тилшуносларнинг фикрига кўра, вербал ва новербал мулоқот омиллари одамларнинг бир-бирлари билан кўришиш, хайрлашиш, танишиш, олқиш, табрик, ачиниш, кўнгил сўраш, узр сўраш, таклиф қилиш, тасдиқлаш, инкор қилиш, ажабланиш, ҳайратланиш, миннатдорлик, мамнунлик, диққат-эътибор қаратиш каби мулоқот жараёнларида яхши кузатилади [2,176; 4, 122; 10, 189].

Но-вербал нутқий сигналлар вербал нутқ сингари тингловчига уч ҳолатда ахборот етказди: 1) суҳбатдошга маълумот узатишда; 2) суҳбатдошга таъсир ўтказишда; 3) суҳбатни жонлантиришда [6, 238].

Инсондаги новербал ҳатти-ҳаракатлар унинг руҳий ҳолатлари билан узвий боғлиқ. Унда инсоннинг индивидуал ва ижтимоий психологик хусусиятлари – шахснинг ички дунёси ошкор бўлади. НOVERбал ҳатти-ҳаракатлар нутқ билан ҳамроҳ бўлиб, фаолиятнинг ақлий мазмунини шакллантиради. НOVERбал нутққа хос тана тили ҳар доим ҳам вербал нутқ билан мослашувчан бўлмайди.

Олимларнинг аниқлашича, новербал мулоқот воситалари кўл, юз ва танадаги етти юз мингдан ортиқ имо-ишораларни ўз ичига олади. НOVERбал ҳатти-ҳаракатлар тана тилининг энг бой "алифбоси" ва рефлексли саналади [2, 176; 3, 247; 6, 238; 8, 246 в.б.].

Э.А.Петрованинг таъкидлашича, суҳбатдошлар ўртасидаги мулоқотнинг дастлабки 12 сониясида 92 фоиз маълумот но-вербал тарзда кўзга ташланади. Но-вербал ҳатти-ҳаракатлар ёрдамида мулоқотининг дастлабки 20 дақиқасида асосий маълумотлар суҳбатдошлар ўртасида амалга ошириб бўлинади. Мулоқот жараёнида но-вербал сигналларнинг сони жуда кўп иштирок этади. Айрим ҳолатларда нутқ билан номувофиқлик ҳолатлари намоён бўлади ва бундай шароитда, агар новербал сигналнинг маъноси вербал сигналнинг маъносига зид бўлса, одамлар новербал маълумотларга ишонишади. Аксинча, агар киши қўлини мушт қилиб, ҳавони мушт билан чопиб ташласа, сўнгра ҳамкорлик қилиш учун уларни келишувга чақирса, унда вербал

маълумотларнинг мазмунига бу жест зид бўлганлиги ва тажовузкор имо-ишора туфайли жамоат унга ишонч билдирмаслиги мумкин [9, 129].

Но-вербал кўрсатмалар худди сўзлар сингари полисемантикдир. Масалан, новербал "бош ирғади" деган сигнал, фойдаланиш шароитига қараб, келишув, эътибор, тан олиш, саломлашиш, миннатдорлик, рухсат, мотивация ва бошқаларни англатиши мумкин [10, 189].

Новербал мулоқотни ифодаловчи воситаларга қуйидагилар киради:

1. Кинесика – жест, экспрессив-ифода ҳаракати, ҳаракат йўналиши;
2. Мимика – пауза давомийлиги, оёқ ташлаш, гавданинг туриш ҳолати, визуал контакт (қараш), контакт частотаси;
3. Проксолика ва экстралингвистика – интонация, овоз, пауза, нафас чиқариш, йиғи, йўтал, тембр, кулгу;
4. Такесика – қўл сиқиш, қарсак чалиш, ўпиш;
5. Проксемика – масофа сақлаш, мўъжал олиш.

Кинесика но-вербал мулоқотнинг энг муҳим воситаларидир. *Кинесика* инглизча сўздан олинган бўлиб, бу ҳолат мулоқотда экспрессив ва тартибга солиш вазифасини бажаради. Бошқа одамнинг юз ифодаларида, ҳолатида, жойида, қарашада, юришида намоён бўлади.

Мимика қўллар ва бошнинг турли хил ҳаракатлари, *имо-ишоралар*, мулоқот қилаётган томонлар учун тушунарли бўлган сигналлар мажмуидир. Инсонларнинг ўзларини осон тушунилишлари учун имо-ишора миқдори муҳим аҳамиятга эга. Мимикаларнинг асосий характеристикаси унинг яхлитлиги ва динамикасидадир. Бу шуни англатадики, олтита асосий ҳиссий ҳолатнинг мимик ифодасида (*газаб, қувонч, қўрқув, азобланиш, ажабланиш ва жирканиш*) юз мушакларининг барча ҳаракатлари мувофиқлаштирилади. Буни В.А.Лабунская тадқиқотларидан билдик [8, 246]. Барча одамлар, қайси миллат ва маданиятга эга бўлишидан қатъий назар, ушбу тақлид конфигурацияларини етарли даражада аниқлик ва изчиллик билан тегишли ҳиссиётларнинг ифодаси сифатида бажаради. *Мимиканинг* бирлиги *мина* деб аталади. Ҳар бир *мина* юзнинг конфигурацияси ҳисобланади. Маълумот асосан қошлар ва лабларнинг турлича ҳолати орқали амалга оширилади. Изчил ҳиссиётлардан *қувонч, ажабланиш, жирканиш, газаб ва қайғу* туйғулари кўпроқ, *қўрқув* туйғуси эса камроқ кузатилиши мумкин.

В.А.Лабунскаянинг фикрига кўра: “Агар бирор киши ҳаяжонланса ёки бирор нарсага кизиқса, ёинки кўтаринки кайфиятда бўлса, кўзлари одатдагидан тўрт марта кенгаяди. Аксинча, газабланган ёки ғамгин кайфиятда бўлса, кўзлари одатдагидан тораяди. Бунда юз қисмлари ва унсурлари ҳолатлари қуйидагича:

- 1) ҳиссий ҳолатлар: *газаб, нафрат, азоб, қўрқув, ажабланиш, қувонч*;
- 2) оғизнинг ҳолати, *оғиз очик, оғиз ёпиқ*. Оғиз одатда ёпиқ бўлади;
- 3) дудоқлар ҳолати: *дудоқлар бурчаклари настга тушиган ёки тепага кўтарилган*;

4) кўз шакли: *кўзлар очилган ёки қисилган*. Кўзлар қисилиб қолади, кўзлар катта очик, кўз ёркинлиги кўзлар торайган ёки очилган, кўзлар порлайди ёки зерикарли, кўзларнинг порлаши ёркин ифода этилмайди;

5) қошнинг ҳолати: *қошлар бурун кўпригига қисилади*, қошлар кўтарилади, қошларнинг ташқи ва ички бурчаклари юқорига кўтарилади;

6) пешона ҳолати: *пешона бурмалари вертикал бурун кўприги ҳосил қилади*. Пешонадаги горизонтал ҳаракатли бурмалар ифодаланади;

7) юз ҳолати: *музлаган юз, динамик юз*. Юз ифодаси фақат инсон ҳақидаги маълумотларни эмас, балки унинг ташқи қиёфасини ҳам ўз ичига олади. Юз одамнинг психологик ҳолатлари тўғрисида асосий маълумот манбаидир, юз ифодалари тана ҳаракатларидан кўра бир неча мартаба онгли равишда яхшироқ бошқарилади” [8, 246]. Бундай психикофизиологик ҳолатлар ҳар бир халқда ўхшаш ва фарқли жиҳатдан намоён бўлади.

Масалан, муайян шароитларда одам ўз ҳис-туйғуларини яширишни ёки қасддан ёлғон маълумотни етказишни хоҳласа, танаси ҳам ахборот манбаига айланади. Мулоқотда имо-ишоралар, жестлар ва ифодали ҳатти-ҳаракатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ахборот инсон танасининг жест, имо-ишора, юриш-туриш ва гавданинг туриш ҳолатлари билан амалга оширилади.

Гавданинг туриш ҳолатини кўпгина олимлар: “Бу - маълум бир маданият учун хос бўлган инсон танасининг позициясидир. Гавданинг туриш ҳолати одамнинг хулқ-атвори ва феъл хусусиятлари унсурлари бирлигидир. Шунинг учун ҳам бу ҳолат тана тилидир,” деб баҳолашади [2, 176; 11]. Гавданинг туриш ҳолатидан ҳар бир халқнинг маданий анъаналарини ҳам аниқласа бўлади. Масалан, бадий адабиёт, фильмларда гавданинг туриш ҳолати билан боғлиқ мисоллар жуда кўп кузатилади. Чунончи, японлар билан ҳиндларнинг кўришиш ва хайрлашиш одатлари бироз ўхшаш: японлар икки букулиб, қўлларини бир-бирига ёпиштирган ҳолда пешоналарига яқин тутишади. Ҳиндлар эса қўлларини пешонанинг ўрта қисмига ёпиштириб, бошларини бироз ўнг ва чапга силкитишади. Бироқ улар японларчалик эгилиб таъзим қилишмайди. Ўзбеклар ўнг қўлларини юракка ёпиштириб, салгина жилмайиб бошларини баланд-пастга қимирлатишади. Турклар кўришиш ва хайрлашишда юзни-юзга босиб олишади. Турк сериалларидаги бу ҳолат ер юзида ёшлар ўртасида тез тарқалиб оммалашди ҳам.

Тана тили ёхуд гавданинг туриш ҳолатига ижтимоий ва сиёсий омилларнинг ҳам таъсири бўлади [2,176; 11]. Яқин вақтгача Европада эркаклар бош кийимларини кўтариб, гавдани ён тарафга бироз эгиб туриб таъзим қилишарди. Ҳозир Европа халқи бу усуллардан аллақачон воз кечди. Руслар хўжайин олдида бошларидаги қалпоқларини кўкрак қафасга қўйиб, таъзим бажо қилишарди. Инқилобдан кейин бунга барҳам берилди.

Таниқли ямайкалик атлетикачи, жаҳонда олти карра йил атлетиги Юсейн Болт (Usain Bolt)нинг спринт бўйича икки карра олимпиада рекордини янгилаб, “снейпер”га ўхшаб нишон чўтлаган жести Европа ёшлари учун хайрлашиш одатига – ҳозир бу усул энг оммалашган усулларидадан бирига айланиб улгурди.

Шўро даврида тана ҳаракати билан боғлиқ яна бир мақтанчоқлик ҳолати пайдо бўлган эди. Кўпгина раҳбарлар И.В.Сталинга ўхшаб ҳарбийча кийина бошлашди: мўйлов қўйишди, беш юлдузли шапка, таги тор усти шақалоқ шим кийиб, қўлтиқларига қоғозжилд қистириб юриб замонасозлик қилишарди. Хурсанд, мамнун ва сохта бахтиёрликни ифодалаш учун мўйловларини озгина сийлаб, ғоздек гердайиб қўйишарди. Раҳбарлик серсоқол одамларга ярашиб турарди, десак ҳам хато бўлмайди. Ҳозир эса рус жамиятида Россия Президенти В.В.Путиннинг ўзини бежавотир тутиши сезиларли таъсир қилаётган бўлса, амеркаликлар учун Д.Трамппнинг беўхшов ҳатти-ҳаракатлари омма орасида карикатура қилинмоқда. Тарихан Амеркалик инглизлар хайрлашув чоғида ковбой шляпалари ўрта қисмида икки бармоқ билан “чест” беришарди. Ҳозирда хайрлашганда “ОК”нинг лайк белгисини кўрсатишади ёки бармоқларини “рақиб”га таппонча қилиб ўқталиб, “ўқ жойидан чиқди” тарзида жест қилишади.

Французлар Мольер даврида шляпалари билан аввал хонумларга ва кейинчалик жаноб амалдорларнинг “Қадамларига ҳасанот!” тарзида шляпа шамоли билан уларнинг йўлни супургандек, ўнг оёқни олдинга ва чап оёқни бир оз орқага тортиб, чап қўл билан қилич дастасини ушлаб “Хоним” ёки “Жаноб” (Madame, Monsieur) сўзини ишлатиб, чиройли хушомад, таъзим-илтифот қилишарди. Буржуазия даври келиб, фақат шляпани бошдан кўтариб туриб, сезиларли даражада қийшайиш ва ғуддайиш билан салом беришлар пайдо бўлди. Айни замонда французлар уйига ташриф буюрган одамни ўпич бериб, азиз инсоннинг юзига енгил тарзда лаб тегизи олиш билан мукофотлашади.

Коронавирус балоси ер юзида тана тили билан билдирадиган мулоқотларнинг миллийча урф-одатларига ҳам болта урди. Инсоният миллий урф-одат билан кўришиш ва хайрлашишга кўрсатмаларга амал қилган ҳолда икки метр масофа сақлаб, бир хил тарзда аҳвол сўрашга мажбур бўлмоқда.

Маълумки, агар одам мулоқотга қизиқса, у суҳбатдошига эътибор қаратади ва унга пешвоз чиқади. Агар мулоқот қилишга қизиқмаса, аксинча, ўзини ён томонга йўналтиради ва орқага суянади. Ўзини эълон қилмоқчи бўлган киши бир неча ҳолатда ўзини намоён этади: тик турган ҳолда, таранг ҳолатда, елкаларини очган ҳолда, баъзида қўлларини белига тиркаб "ўзини бўш қўйган" ҳолда, бироз эркин ва хотиржам ҳолатда.

Ҳар бир халқ маданиятида шахсий имо-ишоралар ўзига хос маъно касб этади. Маданиятлараро ўхшаш имо-ишоралар ҳам мавжуд. Халқлар маданияти бир-биридан фарқ қилса ҳам, одамнинг ҳиссий туйғусини кучайтиришда эмоциянинг қўзғалиши, гестикуляция интенсивлиги ўхшаш бўлади [1; 5,416; 7,164]. Булар:

- коммуникатив (*саломлашиш, хайрлашиш, видолашиш, диққатни жалб қилиш, таъқиқлаш, маъқуллаш, инкор қилиш, сўроқ қилиш* ва ҳ.к.) имо-ишораларда;

- модал муносабат, яъни баҳо бериш (*маъқуллаш ва норозилик*) имо-ишоралари, ишонч ва ишончсизлик, чалкашлик ва бошқаларда;

- нутқ сўзлаши шароитида маънога эга бўлган тавсифловчи имо-ишораларда билинади.

Просодик ва *экстралингвистик* воситалар нутқ оқимини тартибга солади, лингвистик алоқа воситаларини тежайди, улар нутқ сўзларини тўлдиради, алмаштиради ва тахмин қилади, ҳиссий ҳолатларни ифодалайди. Ғайрат, қувонч ва ишончсизлик одатда баланд овозда, ғазаб ва қўркув эса ундан жуда кучли оҳанг ва овозда етказилади. Ғамгинлик, қайғу, чарчоқ одатда жумла ва бўғиқ овозда, гап охирида интонациянинг пасайиши билан етказилади.

Просодия - нутқ ва овоз оҳангининг баландлиги, овоз тембри, стресс кучи каби ритмик ва интонацион жиҳатларнинг умумий номи. *Экстралингвистик тизим* - нутқдаги паузаларни киритиш, шунингдек, одамнинг турли хил психофизиологик кўринишлари: йиғлаш, йўталиш, кулиш, хўрсиниш ва ҳоказо.

"*Проксемика*" атамасини коммуникациянинг фазовий тузилиши сифатида биринчилардан бўлиб америкалик антрополог Э.Холл киритди [12]. *Проксемика* "яқинлик" деган маънони англатади. Проксемик характеристикаларга шерикларнинг алоқа пайтидаги йўналиши ва улар орасидаги масофа киради. Маданий ва миллий омиллар алоқа проксемик хусусиятларига бевосита таъсир қилади. Проксемик сигналлар: одамлар орасидаги масофа, тегиниш, манзил эгасини елкасига уриш ва ҳ.к.

Хуллас, новербал мулоқот инсоннинг сўз ишлатмасдан ўзини намоён қилишидир. Аммо бу усул вербал нутқ билан доимий ҳамроҳлик қилиши мумкин. Одамлар орасида кенг тарқалган тана тили новербал мулоқотнинг асоси ҳисобланади. Имо-ишоралар ва тана ҳаракатлари тили нафақат суҳбатдошни яхшироқ тушунишга, балки педагогик жараёнда тил ўргатишда жуда аҳамиятли саналади, нейролингвистика муаммоларини бартараф қилишга хизмат қилади. Жамиятда инсоннинг ўзини намоён этишига шароит яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Багдасарова Н.А. Невербальные формы выражения эмоций в контексте разных культур: универсальное и национальное/Материалы межвузовского семинара по лингвострановедению. – МГИМО, Университет, 2006.
2. Биркенбил В. Язык интонации, мимики, жестов. - СПб.: «Питер», 1997. - 176 с.
3. Бороздина Г.В. Психология делового общения. Невербальные особенности в процессе делового общения.- М.: «Деловая книга», 1998. - 247 с.
4. Бобокалонов Р.Р. Ўзбек тилида семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар талқини. Т.: Фан, 2006. Б.3-122.
5. Горянина В.А. Психология общения - М.: Издательский центр «Академия», - 2002. - 416 с.
6. Горелов И.Н. Невербальные компоненты коммуникации. - М.: Наука, 1980. -238 с.
7. Конечкая В.П. Социология коммуникации. - М.: МУБУ, 1997. - 164 с.

8. Лабунская В.А. Невербальное поведение (социально-перцептивный подход). - Ростов-на-Дону: Феникс, 1988. - 246 с.
9. Петрова Э.А. Пути и способы введения лекарственных средств в организм животных. – Красноярск: Красноярский государственный аграрный университет, 2019. – 129 с.
10. Морозов В.П. Искусство и наука общения: невербальная коммуникация. - М.: ИП РАН, Центр «Искусство и наука», 1998. - 189 с.
11. Моррис, Десмонд. Библия языка телодвижений: -М.:Эксмо, 2010.

НУТҚИЙ МАҲОРАТНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

Раҳманов С.Х.

ЎР ҚК Академияси Жанговор таъминот
кафедраси ўқитувчиси

***Аннотация.** Ушбу мақолада юқори нутқ ва муомала маданияти ҳақида умумий тушунчалар, ҳамда нутқ одоби бўйича турли хил қарашлар ва маҳоратни ошириш усуллари баён этилган.*

***Калит сўзлар:** Нутқ этикети, нутқ одоби, муомала маданияти, маҳорат, маданият, санъат, нутқ.*

Нутқ маданияти ҳақидаги таълимот узок ўтмишга эга. Нутқ одоби таълимот сифатида қадимги Рим ва Афинада шаклланган бўлса ҳам, унга қадар Мисрда, Ассирияда, Вавилон ва Ҳиндистон мамлакатларида пайдо бўлганлиги нотиклик санъати тажрибасидан маълум. Давлат арбобларининг обрў-этибори ва юқори лавозимларга кўтарилиши уларнинг нотиклик маҳоратига ҳам боғлиқ бўлган.

Юқори нутқ маданиятига эга бўлиш - бу фикрларни тил воситаси ёрдамида тўғри, аниқ ва таъсирчан қилиб бера олишдир. Тўғри нутқ ҳозирги адабий тил меъёрига риоя қилиб тузилган тилда намоён бўлади. Аммо юқори нутқ маданияти фақатгина тўғри нутқ меъёрларига риоя қилиш, фикр ифодалашнинг аниқ воситасини топишдангина иборат бўлиб қолмасдан, бирмунча таъсирчан ва мақсадга мувофиқ воситаларни танлаб олиш уқувини ҳам ўз ичига олади.

Нутқ одоби борасида қадимий туркий халқлар, жумладан ўзбеклар амал қилган асосий қонун-қоидалар, расм-русумлар қадимий туркий тил ҳамда эски ўзбек тилида ёзилган баъзи ёзма обидаларда яхши сақланиб қолган. Масалан, Кайковуснинг “Қобуснома”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул - ҳақойиқ” , Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билик” асарлари намунасида кўриш мумкин. Айниқса, Алишер Навоийнинг тил ва нутқ, нутқ одоби, нутқий маданият, нутқ санъати ҳақидаги айтган фикрларида қадимий туркий халқларнинг нутқ маданияти борасидаги бой ва ноёб мероси маҳорат билан умумлаштирилган [1].

1. Тилни, сўзни кадрла, уни ҳурмат қил.